

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

РАХМОНОВА МАДИНАХОН КИМСАНБОВНА

**ОЛМА МЕВАХЎРИ (*CARPOCAPSA ROMONELLA* L.)
БИОЭКОЛОГИЯСИ ВА УНИНГ МИҚДОРНИ БОШҚАРИШДА
УЙҒУНЛАШГАН КУРАШ ТИЗИМИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on agricultural sciences**

Рахмонова Мадинахон Кимсанбоевна Олма мевахўри (<i>Carpocapsa pomonella</i> L.) биоэкологияси ва унинг микдорини бошқаришда уйғунлашган кураш тизимини ишлаб чиқиш	3
Рахмонова Мадинахон Кимсанбоевна Биоэкология яблонной плодовой жорки (<i>Carpocapsa pomonella</i> L.) и разработка системы интегрированной борьбы при регулировании её численности	19
Raxmonova Madinahon Kimsanboevna Biology, ecology of the apple codling moth (<i>Carpocapsa pomonella</i> L.) and development of the integrated management system at regulation of pest's density.....	35
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of publication works.....	38

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

РАХМОНОВА МАДИНАХОН КИМСАНБОВНА

**ОЛМА МЕВАХЎРИ (*CARPOCAPSA ROMONELLA* L.)
БИОЭКОЛОГИЯСИ ВА УНИНГ МИҚДОРНИ БОШҚАРИШДА
УЙҒУНЛАШГАН КУРАШ ТИЗИМИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/Qx356 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университети Андижон филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.agrar.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Сулаймонов Ботиржон Абдушукирович,
биология фанлари доктори, академик

Расмий оппонентлар: Аманов Шухрат Бахтиёрович,
қишлоқ хўжалик фанлари доктори, к.и.х.

Дусманов Самиддин Эшматович,
қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, к.и.х.

Етакчи ташкилот: Ўрмончилик илмий тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашининг 2019 йил «5» март, соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz. Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (537737-рақами билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот ресурс маркази биноси. Тел.: (99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2019 йил «19» февралда тарқатилди.
(2019 йил «29» январдаги 1.2 рақамли реестр баённомаси).

Ш.Э.Намазов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, к.х.ф.д., профессор

Я.Х. Юлдашов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к/х.ф.н., доцент

М.М.Адилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда бугунги кунда атроф-муҳитнинг глобал равишда ўзгариши қишлоқ хўжалиги экинларига турли зараркунандаларнинг таъсир кўлами ортиб боришига олиб келмоқда. «Зараркунандаларнинг салбий таъсири дунё қишлоқ хўжалигида 1,4 триллион долларга тенг деб баҳоланиб, бу глобал ялпи ички маҳсулотнинг 5% ни ташкил этади»¹. Шунга кўра, қишлоқ хўжалигида озик овқат хавфсизлигини таъминлаш ва экинларни зараркунандалар зараридан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Дунёда озик-овқат ҳавсизлигини таъминлаш ва жаҳон бозорида ўз ўрнига эга бўлиш мақсадида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва уларни зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилишнинг илғор технологиялари устида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Аммо уруғмевали боғларда етиштирилаётган маҳсулотларнинг бир қисми ҳалигача олма мевахўри (*Carpocapsa pomonella* L.) томонидан нобуд бўлиши бу зараркунандага қарши кураш тизимини такомиллаштиришни талаб этади. Мевали боғлар агробиоценозида олма мевахўрининг 30 дан ортик ихтисослашган ва полифаг кушандалари аниқланган бўлиб, фақатгина айримлари амалиётда қўлланилмоқда. Шунга кўра олма мевахўрининг биоэкологик хусусиятлари, уларнинг мевали боғлар агробиоценозида тарқалиши, энтомофаг-хўжайин муносабатлари, улар миқдорини бошқаришда энтомофагларнинг самарадорлигини баҳолаш ҳамда шу асосда олма мевахўрига қарши уйғунлашган кураш тизимини такомиллаштириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Республикамиз қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, экспорт имкониятларини кенгайтириш бугуннинг долзарб муаммоларидандир. Хусусан, 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистонни Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси 3.3. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш бўлими биринчи бандида «...мамлакат озик-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш...» долзарб вазифа қилиб белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, Республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш давомида зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилишда экологик соф усуллардан фойдаланишнинг илмий асосланган усул ва воситаларини ишлаб чиқиш, кенг жорий этиш талаб этилади. Мамлакат миқёсида ҳар йили кўшимча равишда 8-10 % боғлар ташкил этилиб, бунда уруғмевали боғлар катта қисмни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 21 сентябрдаги «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш

¹FAO. The state of food and agriculture climate change, agriculture and food security. Rome. 2016

ҳақида ЎРҚ-409-сон қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5388-сон Фармони, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 июлдаги «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида ЎРҚ-484-сон қонуни ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Олма мевахўрининг биологик хусусиятлари, ривожланиши, популяциясининг шаклланиши, энтомофаг турлари ва уларга қарши кураш чоралари бўйича хорижий олимлардан Barnes M.M., Al-Motny, Mohammed Mansour, Agnello Kain, Wearing A., Gehring Madsen, Horak and Brown, Van Der Geest and Evenhuis Ciglar, Thaler, Franck, Lacey, Sauphanor, Boivinet, Bouvier, Brun-Barale, Lacey and Unruh, Carde R.T., Minks A.M., Changler L.D., Dorge R., Sivelik H.S. ҳамда МДХ мамлакатлари олимларидан Данилевский А.С., Будашкин Ю.И., Бичина Т.И., Талицкий В.И., Иванов А.Я., Соколенко Н.Я., Баева В.Г., Б.А.Сулаймонов, Ш.Хўжаев, А.Анорбоев, Б.Ҳамраев, С.Дусманов, О.Эшматов, М.Шарипов тадқиқотлар олиб боришган.

Бироқ мамлакатимиз ҳудудларидаги мевали боғларда олма мевахўрининг зарари юқори бўлишига қарамасдан унинг тур таркиби, систематик таҳлили, ривожланиши, биоэкологик хусусиятлари, уларнинг табиий кушандалари ва улар миқдорини бошқариш усуллари бўйича етарли тадқиқотлар олиб борилмаган.

Юқоридагиларни инобатга олиб олма мевахўрининг Андижон вилояти шароитида мевали боғ агробиоценозида тарқалиш ареали, зарарлилик даражаси, биологик хусусиятлари, табиий кушандалари тур таркиби, уларни кўпайтириш, қўллаш технологиялари, ғовакловчи пашшаларга қарши янги, самарали кимёвий воситаларни қўллаш ва уларнинг самарадор турларини танлаш, ишлаб чиқаришга амалий тавсиялар ишлаб чиқиш асосида мевали боғлар ҳосилини сақлаб қолиш муҳим илмий амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети илмий тадқиқот ишлари режасининг К10-011 «Қишлоқ хўжалик экинлари зараркунанда, касаллик ва бегона ўтлардан химоя қилишнинг экологик соф, самарали, ресурстежамкор уйғунлашган химоя тизимини такомиллаштириш» (2009-2011 йй.), ҚХА-10-109-IV «Иссиқхоналарда сабзавот экинлари

зараркунандаларига қарши атроф муҳит учун безарар бўлган биологик кураш усулларини излаб топиш асосида экологик соф маҳсулот етиштириш технологиясини такомиллаштириш» (2009-2011 йй.), КФ5-002 «Ўсимлик зараркунандалари паразитлари ва уларнинг биоценоздаги ривожланиш назарияси» (2012-2016 йй.), ҚХИ-5-105-2014 «Боғ экинларида учрайдиган зараркунандаларга қарши биологик усулни қўллаш ва экологик тоза маҳсулотлар етиштиришни жорий этиш» (2014-2015 йй.) илмий ва инновацион лойихалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади олма мевахўрининг Андижон вилояти шароитида тарқалиши, популяциясининг ривожланиш динамикаси ва хўжайин-энтомофаг муносабатларининг шаклланиши, самарали энтомофаг тур таркиби, уларнинг миқдорини бошқаришда уйғунлашган кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Андижон вилояти шароитида олма мевахўри биоэкологияси, тарқалиш ареали, мевахўрнинг олма боғлари бўйича фитофаглик хусусиятлари, ривожланиши, турли популяцияларининг фарқланишини аниқлаш;

олма ривожланишига агробиоценоздаги таъсир этувчи омиллар, энтомофаглар турларини систематик таҳлили, биологик хусусиятлари ва энтомофагларнинг хўжайин турларига нисбатан ихтисослашганлигини аниқлаш;

олма мевахўрининг самарали энтомофаг турларини кўпайтириш, қўллаш технологиясини ишлаб чиқиш, қўллаш муддати ва сарф меъёрларини аниқлаш;

олма мевахўрининг миқдорини бошқаришда агротехник тадбирларни қўллаш, турли самарали пестицидларни танлаш ва биологик самарадорлигини аниқлаш;

интенсив ва маҳаллий боғларда олма мевахўрига қарши уйғунлашган кураш усулининг хўжалик-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Андижон вилояти шароитидаги уруғмевали боғлар, олма мевахўри, энтомофаг турлари, ўсимликларни химоя қилиш воситалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети боғдорчиликни парваришлаш агротехнологияси, олма мевахўрининг ривожланиш хусусиятлари, энтомофагларининг биологияси ва уларни ривожланиши, кўпайтириш ва қўллаш усуллари, кимёвий воситалар, тадқиқотларни ўтказиш усуллари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда энтомологик, биологик, математик, статистик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор олма мевахўрининг (*Carpocapsa pomonella* L.) Андижон вилояти шароитида биологик хусусиятлари, фенологик ривожланиш муддатлари, ҳудудлар бўйича популяцияларининг тарқалиши ва зичлиги аниқланган;

олма мевахўрининг Андижон вилояти шароитида икки тур паразитлари

Elasmus albipennis va *Dibrachys cavus* аниқланган ва систематик таҳлил қилинган;

боғ агробиоценозида энтомофаг-хўжайин муносабатларининг шаклланиши, улар нисбатларининг ўзгаришида турли омилларнинг таъсири исботланган;

олма мевахўрининг ривожланиш динамикаси, зараркунанда миқдорини бошқаришда турли феромон тутқичлардан фойдаланиш самарадорлиги аниқланган;

олма мевахўри миқдорини бошқаришда паразит энтомофагларни кўпайтириш, қўллашнинг самарали муддат ва меъёрлари ишлаб чиқилган;

янги турдаги инсектицидларни олма мевахўрига қарши қўллаш муддатлари ва биологик самарадорлиги ҳамда олма мевахўрининг пестицидларга нисбатан чидамлилик даражаси аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

уруғмевали боғ агробиоценозда олма мевахўрининг биологик хусусиятлари ва энтомофаглар билан ўзаро муносабатлари, олма мевахўрининг самарали энтомофаг турлари аниқланган, уларни кўпайтириш, агробиоценоздаги популяция миқдорини бошқаришда қўллаш усуллари ишлаб чиқилган ва ишлаб чиқаришга тавсия этилган;

энтомофагларни олма мевахўрига нисбатан қўллашнинг илмий асосланган меъёрлари, муддатлари белгиланган, мавсумда олма мевахўри миқдоринининг биологик самарадорлиги аниқланган. Энтомофагларнинг биологик фаоллигини оширувчи омиллар аниқланган, олма мевахўрига қарши энтомофаг турларига нисбатан кам захарли инсектицид турлари танлаб олинган, пестидларни қўллаш муддат ва меъёрлари аниқланган ва ишлаб чиқаришга тавсия қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Бир неча йиллик лаборатория ва дала тажрибалари ўсимликларни ҳимоя қилиш ва энтомология бўйича умумқабул қилинган ва замонавий услублар асосида олиб борилганлиги, илмий натижаларни ҳар йили махсус ташкил этилган апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланганлиги, натижаларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, давлат фундаментал ва инновация лойиҳаларини бажариш давомида илмий ҳамжамият томонидан тан олинганлиги, диссертация тадқиқотининг амалий натижаларини ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги ва уларни амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Андижон вилояти шароитида уруғмевали боғ агробиоценозида учрайдиган олма мевахўри биологик хусусиятлари, ривожланиш динамикаси ва уларнинг энтомофагларнинг асосий тур таркиби, тарқалиш ареали, олма қурти популяцияси сонини бошқаришдаги аҳамияти, боғ энтомофаунасида паразит-хўжайин муносабатлари шаклланиши, олма мевахўри миқдорини бошқаришда агротехник, кимёвий усулларни қўллаш, самарадорлигини аниқлашни тадқиқ этишга илмий жиҳатдан ёндашувдан

иборат.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти сифатида олма мевахўрининг боғ агробиоценозда популяция миқдорини бошқаришда самарали энтомофаг турларини аниқлаш, қўллашнинг самарали усулларини жорий этиш асосида зараркунанданинг зарарини камайтириш ва боғ ҳосилини сақлаб қолиш, уруғ мевали боғ агробиоценозида энтомофаунанинг фаоллигини ошириш, қишлоқ хўжалик энтомологияси ва ўсимликларни уйғунлашган ҳимоя қилиш фанларини назарий ва амалий жиҳатдан бойитиш, боғдорчиликда юқори сифатли ва экологик тоза мева маҳсулотларининг ҳосилини олишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олма мевахўри (*Carposapsa Pomonella L.*) биоэкологияси ва унинг миқдорини бошқаришда уйғунлашган кураш усулларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар натижалари асосида:

олма мевахўрининг самарали энтомофагларини кўпайтириш, қўллаш, Андижон вилоятининг Андижон туманидаги «Биокимё интенсив» МЧЖ, Избоскан туманидаги «Академик М.Мирзаев номидаги БУ ва ВИТИ» Андижон илмий-тажриба станцияси, «Ғ.Қамбаров боғи» фермер хўжалигида олма боғларида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 17 ноябрдаги 02/030-300-сонли маълумотномаси). Натижада уруғмевали боғларда олма мевахўри миқдори 65,0% га камайтирилган;

уруғмевали боғларда олма мевахўри миқдори ортганда улар миқдорини бошқаришда самарали кимёвий воситалар жорий этилган. Уларни қўллаш меъёрлари ва мудатлари жорий этилиб, Андижон, Избоскан туманлари 69,8 гектар боғдорчилик майдонларига жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 17 ноябрдаги 02/030-300-сонли маълумотномаси). Натижада олма ҳосилдорлиги 60,2 ц/га гача ортиб, қўшимча 12-13 центнер ҳосил зараркунандадан сақлаб қолинган;

уруғмевали боғларда олма мевахўри миқдорини бошқаришда уйғунлашган кураш чоралари жорий қилинди. Андижон вилояти шароитида «Ғ.Қамбаров боғи» фермер хўжалиги 8 гектар, «Академик. М.Мирзаев номи БУ ва ВИТИ» Андижон илмий-тажриба станциясининг 45 гектарли олма боғларида жорий этилган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 17 ноябрдаги 02/030-300-сонли маълумотномаси). Натижада 1 гектар олма боғидан 25-30% фойда олиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та, шу жумладан 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 6 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотлар долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда предмети ва объектлари тавсифланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Олма мевахўри (*Corpocapsa pomonella* L.) биоэкологияси, ўрганилганлик даражаси, агробиоценозда улар миқдорини бошқариш долзарблиги**» деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хориж адабиётлари таҳлил қилиниб, олма мевахўрининг агробиоценозда ривожланиш динамикаси, зарарлилик даражаси, паразит энтомофаг турлари, ўрганилганлиги, самарали энтомофаг турларини кўпайтириш ва уларни қўллаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар таҳлили келтирилган.

Боғ агробиоценозида паразит-хўжайин муносабатларининг шаклланиши, олма мевахўри сонини бошқариш қонуниятлари назарий-амалий аҳамияти, зараркунанда ва паразит миқдор мезонининг ўзгариши ва унга боғлик омиллар, паразит энтомофагларнинг самарадорлигини ошириш, ҳозирги кундаги мавжуд муаммолар ёритилган ва мавзунинг долзарблиги асосланган.


Диссертациянинг «**Тадқиқот ҳудудининг агроиклимий тавсифи, тадқиқот материаллари ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар ўтказилган жой, материаллари ва услублари ёритилган.

Тадқиқотлар 2015-2017 йиллар давомида Андижон вилоятининг Андижон, Избоскан туманлари ҳудудларида ўтказилди. Бунга боғлик равишда, диссертацияда мазкур вилоятнинг тупроқ-иклим хусусиятлари, шунингдек, зараркунанда тур таркиби ва аҳамияти тўғрисида қисқача тавсиф келтирилган. Олинган натижаларга Б.А.Доспехов (1985) ва Г.Ф.Лакин (1990) услублари ёрдамида математик ва статистик ишлов берилди. Алоҳида ҳолатларда «ўртача хатоликни» ҳисобга олувчи касрий усул қўлланилди. Вариантлар орасидаги энг кичик фарқ (ЭКФ) Ўзбекистон Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институтининг математик моделлаш ва башорат лабораториясида яратилган компьютер дастури ёрдамида аниқланди.

Диссертациянинг «**Олма мевахўрининг Андижон вилояти шароитида биологияси, ривожланиш динамикасида экологик муҳитнинг ўрни**» деб номланган учинчи бобида баргўровчилар оиласига мансуб олма мевахўрининг мевали боғ агробиоценозида биологик хусусиятлари ва унга таъсир этувчи омиллар динамик ривожланиши, зарарлилик даражаси ёритилган. Олма мевахўри ривожланиш хусусиятига кўра мослашувчанлиги

сабаб чўл ва тоғли худудларда популяция миқдори катта фарқ қилмаганлиги ва тадқиқотда олма мевахўри ривожланган худуднинг ўртача ҳаво ҳарорати, нисбий ҳаво намлиги, шамол тезлиги ўзгарувчанлиги асосида феромон тутқичларга тушиш даражаси ўрганилган, бунда ҳаво ҳарорати нисбий намликка боғлиқ эканлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларига кўра қишлоғга кетган олма мевахўри пиллачалари 2015 йилда 61,3 дона намуналар йиғилиб, шундан энг кўп қишлаб қолганлар миқдори дарахт танаси ҳисобланди (1-расм). 2016 йилда эса ўртача йиғилган 122,3 дона намуналарнинг 54,7 донаси дарахт танасида, кейинги қисми эса дарахт танаси атрофидан 1 м радиус бўлган қисмида қишлаши аниқланди.



1-расм. Олма мевахўрининг қишлоғ авлодларининг жойлашиши (Андижон вилояти, Андижон тумани, Биокимё интенсив МЧЖ 2016-2017 йй.).

2017 йилда эса, ушбу кўрсаткичларга кўра, аниқланган ўртача 92,9 намуналарнинг йиғилган жойларига мувофиқ 37,3 донаси дарахт танасидан, 30,2 қисми эса тупроқда, қолган қисмлари эса бегона ўтларда, тупроқнинг 6-7 см қисмида қишлоғга кетганлиги аниқланди.

Тадқиқотнинг якуний кўрсаткичларига кўра, жами уч йиллик ўртача йиғилган 109,4 дона намуналарнинг 55,9%, яъни намуналарнинг 51,1 донаси олма дарахтининг тана ёриқлари қисмида, 18,4 донаси, яъни 16,8% дарахтлар тагидаги турли бегона ўтлар қолдиқларида, 32,3 донаси, яъни ўртача намуналарнинг 35,3% тупроқнинг 5 см гача бўлган қисмида, қолган 11,5% қисми, яъни ўртача 10,6 донаси эса тупроқнинг 6-7 см қисмида қишлаб қолиши аниқланди.

Андижон вилояти шароитида олма мевахўри *Carpocapsa (Cydia) pomonella* L. олма, нок, беҳининг доимий зараркунандаси ҳисобланиб, ушбу мевали дарахтлардан олма кучли зарарланиши аниқланди. Мевахўрининг

биологик хусусиятларига кўра қуртлари меваларни энг кучли зарарлаш даражаси 2-авлодида кузатилиб, зарарланган олма мевалари пишиш олдидан мевабанди кучсизланиб, меваларнинг тўкилиши билан баҳоланар экан (2-расм).



2-расм. Олма мевахўри зарарланган (1) ва чириётган олма меваси (2).

Диссертациянинг тўртинчи боби «Олма мевахўрининг табиий кушандалари ва хўжайин-энтомофаг муносабатларининг шаклланиши» деб номланган. Ушбу бобда олма мевахўрининг энтомофаг турлари, систематик тахлили ва биоэкологик хусусиятлар (*Carpocapsa pomonella* L.) турларида энтомофаг турлари учраш даражалари ва систематик тахлиллари келтирилган.

Тадқиқотларни 2015-2017 йилларда Андижон вилояти Андижон туманидаги «Биокимё интенсив» МЧЖ ва Избоскан туманидаги мевали боғларида ўтказилди. Тахлил натижаларига кўра 2015-2017 йилларда ўтказилган кузатувларда Андижон вилояти шароитида олма мевахўри (*Carpocapsa pomonella* L.) турининг 5 туркум 10 оилага мансуб 28 тур энтомофаг турлари учраши аниқланди. Энтомофагларнинг систематик тахлиliga кўра ўрганилган манбалар асосида тузилди. Тадқиқот давомида айрим янги турлар рўйхатга олиниб, уларнинг биологик хусусиятлари ўрганилди. Бунда *Chalcidoidea* оиласининг *Elasmus albipennis* ва *Dibrachys cavus* тури илк бор мамлакатимиз шароитида олма мевахўрининг етук ёшдаги қуртларида аниқланди (3-расм).



1



2

3-расм. *Elasmus albipennis* (1) ва *Dibrachys cavus* (2) паразитларининг ташқи кўриниши.

Elasmus albipennis паразит жуда майда бўлиб, катталиги 2-3 мм, олд оёқлари 5 бўғимдан иборат. Ташқи кўриниш жигарранг, икки жуфт қанотга эга. Жуда ҳаркатчан ҳисобланиб, бир кунда 200 метргача ўз ўлжасини қидиради. Тухумларини бир ёки икки донадан олма мевахўрининг куртларига (пиллача) га қўяди. *Dibrachys cavus* паразитнинг катталиги 3 мм ни ташкил этади. Битта ғумбакка катталигига қараб 2-6 тагача тухум қуяди. Ривожланишининг барча боқиқларини ғумбакда ўтказади. Ривожининг охирида хўжайин ғумбаклари ичида ғумбакка айланади учиб чиқади. Совуққа чидамсиз ҳисобланиб, -5 -10⁰С ҳаво ҳароратида унинг 80% гача миқдори нобуд бўлади. Қишлоқ босқиқлари, хўжайин ғумбаклари ичида 1-2 ёшдаги курт ҳолида қишлаши аниқланди.

Диссертацияни бешинчи боби «Олма мевахўрини миқдорини бошқаришда уйғунлашган кураш усуллардан фойдаланиш ва унинг самарадорлиги» деб номланган. Ушбу бобда олма мевахўри миқдорини бошқаришда ташкилий-хўжалиқ, агротехник тадбирлари, феромон тутқиқларни, трихограмма паразити турларини, микробиологик препаратларни, янги турдаги инсектицидларнинг қўллаш ва уларни самарадорлиги ўрганилган.

Ойлар бўйича апрел ойида ўртача 6,1 дона капалаклар тушган бўлса, май ойида ўртача 12,0 дона, июн ойида 13,8 дона, июл ойида 16,1 дона, август ойида ўртача 23,1 донани ташкил этди (5-расм). Сентябрь ойида капалаклар феромон тутқиқларга тушиш ҳолати ўртача 4,4 донани ташкил этди. Ушбу йилда бошқа йиллар, яъни 2015-2017 йилларга нисбатан олма мевахўрининг иккинчи авлод капалаклари нисбатан кўп тушганлиги аниқланди (4-расм).



1




2

4-расм. Феромон тутқиқга тушган олма мевахўри капалаги.

Бундан ташқари август ойининг иккинчи ўн кунлигида 34,3 донагача капалаклар тушиб бу кўрсаткич бошқа йилларга нисбатан юқори эканлиги аниқланди.

Ўрганилган йиллар давомида олма мевахўри Андижон вилояти шароитида уч авлод бериб ривожланди, йиллар бўйича уларнинг авлод



5- расм. Феромон тутқичларга тушган капалаклар сони, дона (Андижон тумани, «Биокимё интенсив» МЧЖ, 2016-2017 йй.).

бериш даражаси номутаносиб бўлади. Олимларнинг фикрига кўра олма мевахўри мамлакатимиз шароитида уч марта авлод бериб, мавсумда ривожланиш босқичларининг барчаси учраши аниқланган. Шунингдек, мевахўрнинг асосий қисми қишлоғга август ойининг охирида кетиши аниқланган. Ўртача кунлик ҳаво ҳарорати $+14^{\circ}\text{C}$ дан ортганда тадқиқотлар бошланган, бу ҳолат март ойининг охири апрел ойининг бошига тўғри келиб, кейинчалик ҳаво ҳарорати ўртача $+18^{\circ}\text{C}$, нисбий ҳаво намлиги 64% ни ташкил этди. Кузатувлар апрел ойидан ҳисоб қилиниб, феромон тутқичлар ҳар гектарга икки донадан жами 10 дона, ердан 2,5 м баландикка қўйилди. Ҳар 10 кунда феромон тутқичлар янғиси билан алмаштирилиб турилган. Тутқичга тушган капалаклар ҳар куни ҳисоб қилиниб борилди, дастлаб ҳар ўн кунлик, сўнг ўртача ой давомида, авлодлар бўйича ўртача кўрсаткичлар ҳисобга олинган.

Қишлоқ хўжалиги экинларини химоя қилишда энтомофаглардан тухумхўр трихограммаларни қўллаш алоҳида ўрин тутади ва умумий биологик усул билан химоя қилинаётган майдони 60% ташкил қилади. Республикамизда 900 дан зиёд биофабрика ва биолобораторияларида трихограммани оммавий равишда кўпайтириб келинмоқда.

Олма мевахўрига қарши *Trichogramma chilonis* қўлланилганда мавсум бошидаги бир тупда меваларнинг сони 580,1 дона бўлган бўлса, мавсум давомида зараркунанда туфайли тўкилган мевалар, биринчи авлод қуртларида 28,3 дона, иккинчи авлод учун 14,7 дона, учинчи авлод учун 19,2 дона кузатилди. Назорат вариантимида зараркунанда таъсирида тўкилганлар миқдори мавсум давомида ўртача 272,9 донани ташкил қилди.

Тадқиқотда энтомофаг қўлланилган майдондаги хўжалик самарадорлигига кўра тажриба вариантимида 184,4 ц/га бўлган бўлса, назорат вариантимида 54,2 ц/га ҳосилдорлик аниқланди. Назоратга нисбатан ҳосил йўқотилиши 130,2 ц/га эканлиги маълум бўлди.

Мамлатимиз шароитида микробиологик воситаларнинг олма мевахўри миқдорини бошқаришдаги самарадорлигини аниқлаш мақсадида тадқиқотлар ўтказилди. Тадқиқотларни Андижон тумани «Биокимё интенсив» МЧЖ ва Избоскан туманидаги «Ғ.Қамбаров боғи» фермер хўжалиги «Академик М.Мирзаев номли БУ ва ВИТИ Андижон илмий-тажриба станциясидаги интенсив ва маҳаллий боғларида ўтказилди. Олма навларининг «Голден делишес», «Айдарет» навларидан фойдаланилиб, ярим пакана М9 4x3 схема бўйича экилган боғларда олиб борилди. Мева тугиш даврида микробиологик воситалардан *Bacillus thuriangiensis* асосидаги препарат (Бета ПРО, н.к. 0,32 кг/га, Лепидоцид 100 н.к. 1,2 кг/га) лар асосида ўтказилди. Ҳар бир вариантда 3 га майдонда 15 дона мевали дарахтлар бўйича кузатувлар ўтказилган.

Микробиологик препаратни юқоридаги меъёрда гектарига 500 л. ишчи суюқликда дарахтларга 15 кун оралатиб икки мартабали пуркаш асосида ўтказилган. Тажриба кузатувларни зараркунандалар сонини камайиши бўйича назорат қилинган.

Уларнинг тур таркиби ва фенологик календари ривожланиш авлодларидан намуналар йиғиш асосида олиб борилди. Биологик воситаларининг олма мевахўрига қарши биологик самарадорлигини аниқлашда Аббот формуласидан фойдаланилган.

Микробиологик препаратлардан Бета ПРО н.к., Лепидоцид 100 н.к. биринчи ва иккинчи бор қўлланилганда зараркунандаларга таъсирдан ташқари энтомофагларга таъсири ҳам ўрганилди. Микробиологик воситалардан *Bacillus thuriangiensis* асосидаги препарати боғдаги баргўровчиларга қарши қўлланилганда 80,9-73,3% юқори самарадорликка эришиш мумкин.

Микробиологик воситасининг қўлланилиши натижаларига кўра баргўровчиларнинг сони камайиб, қуртларнинг нобуд бўлиши ҳосил йиғиб олингандан сўнг биологик самарадорлик назоратга нисбатан узилган ҳосилда соғлом мевалар даражаси 76,4-82,3%, ялпи ҳосилда 80,79-73,3% бўлди.

Шунингдек, олма мевахўри миқдори кескин ортганда зараркунанда миқдорини камайтиришда янги турдаги кимёвий воситалар танланди ва синовлар ўтказилди. Тадқиқотлар Андижон вилояти Андижон тумани «Биокимё интенсив» МЧЖ нинг 19 га майдондаги 6 йил олдин экилган «Голдон» Айдарет Голдон дилишес навли олма боғларида ўтказилди.

Унга кўра «Химреактивснаб» МЧЖнинг лямда-цигалотрин таъсир этувчи моддасига эга Караче 10% к.э. препарати (0,4 л/га меъёрда) ҳамда андоза сифатида абамектин таъсирига эга Абам Экстра24 % к.э. (0,4 л/га меъёрда) ва бифентрин таъсирига эга Нурелл-Д 55% э.к., препаратлари танлаб олинган. Тадқиқот майдонида жинсий феромон тутқичлар ёрдамида олма мевахўри капалаклари ялпи учиш давлари аниқлангандан сўнг, битта тутқичга ўртача 7-8 дона капалаклар тушгандан сўнг кузатувлар ўтказилди. Тажриба олма гуллаб 80% гул барглари тўкилгандан сўнг 2016 йилнинг 5 майида ўтказилди. Тажриба эрта тонгда ҳаво ҳарорати +22°C, нисбий ҳаво

намлиги 54%, шамол тезлиги 1 м/сек бўлганда амалга оширилди.

Иккинчи ишлов 18 июнда зараркунанданинг иккинчи авлод капалакаларининг ялпи учуш даври тугагандан сўнг ўтказилди. Унга кўра мавсум сўнгида мевалардан олинган соғлом ҳосилга нисбатан кимёвий воситаларнинг самарадорлиги белгиланди. Олиб борилган тадқиқотларга кўра кимёвий препаратлардан Караче 10% к.э. препарати гектарига 0,4 кг сарф меъёрида қўлланилган вариантимида ўртача бир тупдаги олма дарахтадаги мевалар миқдори 525,6 донани ташкил этган бўлса, шундан мавсум давомида тўкилган мевалар 66,2 донани ташкил қилди. Шундан, олма мевахўри билан зарарланиб тўкилган мевалар сони 16,4 донани ташкил этган бўлса, механик шикастланган (шамол, турли касалликлардан) мевалар 49,2 донани ташкил этди. Мавсумда жами ҳосилга нисбатан соғлом етиштирилган мевалар 87,7% ни ташкил қилган.

Олиб борилган тадқиқотларга кўра кимёвий препаратлардан Абам Экстра 24% к.э. 0,4 л/га меъёрида сарф меъёрида қўлланилган вариантимида ўртача бир тупдаги олма дарахтадаги мевалар миқдори 610,2 донани ташкил этган бўлса, шундан мавсум давомида тўкилган мевалар 58,0 донани ташкил қилди.

Андоза вариантимида Нурелл-Д 55% к.э. кимёвий воситани 0,1 л/га қўлланилганда эса, мавсум бошида ўртача бир туп дарахтадаги меваларнинг сони 580,4 дона бўлиб, шундан мавсум давомида тўкилган мевалар 77,7 дона эканлиги кузатилди.

Назорат вариантимида мавсум бошида ўртача бир тупда 576,2 дона олма меваси бўлган бўлса, мавсум давомида эса ўртача 122,4 дона мевалар тўкилган, шундан олма мевахўри билан зарарланган мевалар ўртача 272,3 дона эканлиги аниқланди. Шунингдек, тўкилган мевалардан механик шикастланган мевалар сони ўртача 97,6 донани ташкил қилиб, жами олинган ҳосилдан соғлом, товарбоп мевалар улуши 35,8% ни ташкил қилган.

Диссертациянинг «**Олма мевахўрига қарши қўлланилган химоя тизимининг хўжалик ва иқтисодий самарадорлиги**» деб номланган олтинчи бобида олма мевахўрига қарши қўлланилган кимёвий препаратларнинг хўжалик ва иқтисодий самарадорликлари аниқланган.

2015 ва 2017 йиллар давомида ўтказилган ҳар бир тадқиқотларимизда ўрганилаётган ва ёндош зараркунандаларнинг ўртача сони ҳисоблаб турилди. Икки йил давомида ўтказилган тажрибаларимизнинг хўжалик самарадорлиги, яъни ҳосилини аниқлашда ҳар бир вариантнинг 5 та дарахтдан биттаси танлаб олиниб улардан олинган ҳосилдорликнинг ўртача бир гектарининг ҳосилдорлиги аниқланди.

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турганидек, олма мевахўрига қарши Караче 10% э.к. 0,4 л/га, Абам Экстра 24% к.э. 0,4 л/га, Нурелл-Д 55% к.э. 0,1 л/га препаратлари қўлланилган вариантларда 1 гектар интенсив боғдан 230,3 ц дан 304,6 ц гача ҳосил олинди (1-жадвал).

1-жадвал

Олма мевахўрига қарши қўлланилган препаратларнинг хўжалик самарадорлиги (Андижон вилояти, Андижон тумани, 2016-2017 йй.).

Вариантлар	Сарф меъёрлари	Сақлаб қолинган ҳосил	Зарарланган мевалар, %	Назоратга нисбатан сақлаб қолинган ҳосил, ц/га
Караче 10% э.к	0,4	210,5	9,1	98,2
Абам Экстра 24% к.э	0,4	210,5	8,3	172,5
Нурелл-Д 55% к.э.	2,0	205,7	4,8	122,8
Назорат	-	132,1	44,3	
ЭКФ ₀₅		1,22		

Назорат вариантыда эса ҳосилдорлик 1 гектар боғдан назоратга нисбатан Караче 10% э.к. препарати билан ишлов берилганда 197,9 ц/га, Абам экстра 24% к.э. препарати билан ишлов берилганда 210,5, Нурелл-Д 55% к.э. билан ишлов берилганда 205,7 ц/га ҳосил сақлаб қолинди. Мевали боғларда олма мевахўрига қарши қўлланилган усул ва воситаларнинг назоратга нисбатан иқтисодий самарадорлиги 1 гектар олма боғидан 6,1 млн. сўм соф фойда олишга эришилган.

ХУЛОСАЛАР

1. Андижон вилояти шароитида олма мевахўри 2017 йилда жами бир йиллик ўртача йиғилган 37,3% намуналар олма дарахтининг тана ёриқлари қисмида, 32,5% намуналар дарахтлар тагидаги турли бегона ўтлар қолдиқларида, 30,2% намуналар дарахт танаси атрофидаги 1м радиусида тупроқда қишлаб қолиши аниқланди.

2. Тадқиқот ўтказилган йиллар давомида олма мевахўрининг 50,1 % дан 61,2% қисми юқори ярусларда, 21% дан 35,8% бўлган қисми ўрта ярусларда ва 14,1% дан 18,2% пастки ярусларда учраши кузатилди.

3. Ўтказилган кузатувларда Андижон вилояти шароитида олма мевахўри (*Carposapsa pomonella* L.) турининг 5 туркум 10 оилага мансуб 28 тур энтомофаг турлари учраши аниқланди.

4. Мамлакатимиз шароитида *Elasmus albipennis* тури ва *Dibrachys cavus* Walk. тури илк бор олма мевахўрининг етук ёшдаги қуртларида аниқланди.

5. Олма мевахўрига қарши *Trichogramma chilonis* қўлланилганда биологик самарадорлик биринчи авлод учун 54,1%, иккинчи авлод учун 45,4%, учинчи авлод учун эса 35,8% ни ташкил этди.

6. Микробиологик воситасининг қўлланилиши баргўровчиларнинг сони камайиб, қуртларнинг нобуд бўлишига олиб келди. Ҳосил йиғиб олингандан сўнг биологик самарадорлик назоратга нисбатан узилган ҳосилда 80,9-73,3%, ни умумий ҳосилда 69,7-67,6% га етди.

7. Кимёвий препаратлардан Караче 10% к.э. препарати қўлланилган 87,7% ни, Абам экстра 24% к.э. кимёвий воситани қўлланилганда 88,9%, Нурелл-Д 55% к.э. кимёвий воситани қўлланилган вариантимида 90,4% биологик самарадорликка эга бўлди.

8. Интенсив ва маҳаллий олма боғларидаги олма мевахўрига қарши юқори самара берган Караче 10 % э.к. 0,4 л/га, Абам Экстра 24 % э.к. 0,4 л/га, Нурелл-Д 55% э.к. 1,0 л/га қўлланилган вариантларда 1 гектар интенсив боғдан 197,9 ц дан 210,5 ц гача ҳосил олинди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

РАХМОНОВА МАДИНАХОН КИМСАНБОВНА

**БИОЭКОЛОГИЯ ЯБЛОННОЙ ПЛОДОЖОРКИ (*CARPOCAPSA
RAMONELLA L.*) И РАЗРАБОТКА СИСТЕМЫ ИНТЕГРИРОВАННОЙ
БОРЬБЫ ПРИ УПРАВЛЕНИИ ЕЁ ЧИСЛЕННОСТИ**

06.01.09 – Защита растений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.4.PhD/Qx356.

Диссертация выполнена в Андижанском филиале Ташкентского государственного аграрного университета.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.agrar.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Сулаймонов Ботиржон Абдушукирович, доктор биологических наук, академик
Официальные оппоненты:	Аманов Шухрат Бахтиёрович, доктор сельскохозяйственных наук Дусманов Саммидин Эшматович, кандидат сельскохозяйственных наук, с.н.с.
Ведущая организация:	Научно-исследовательский институт Лесоводства

Защита диссертации состоится «5» март 2019 года в 15⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Qx.13.01 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом-2. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz. Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1-этаж, зал заседаний).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована под номером №537737) (Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская дом 2. Ташкентский государственный аграрный университет, задание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (99871) 260-50-43.

Автореферат диссертации разослан «19» февраля 2019 года.
(реестр протокола рассылки номер 1.2 «29» января 2019 года.)

Ш.Э.Намазов

Заместитель председателя научного совета по присуждению ученых степеней, д.с.х.н., профессор

Я.Х. Юлдашов

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, к.с.х.н., доцент

М.М.Адилов

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.с.х.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Глобальное изменение климата на Земле на сегодняшний день приводит к увеличению масштаба влияния различных вредных организмов на сельскохозяйственные культуры. «Отрицательное влияние вредителей в мировом сельском хозяйстве оценивается в 1,4 триллиона долларов, что составляет 5% от валовой внутренней продукции»¹. В соответствии с этим, актуальной является задача обеспечения продовольственной безопасности в сельском хозяйстве и совершенствование системы защиты культур от вредного воздействия вредителей.

В мировом масштабе проводятся исследования над внедрением передовых технологий по выращиванию сельскохозяйственной продукции и защите её от вредителей и болезней с целью обеспечения продовольственной безопасности и овладения местом на мировом рынке. Однако, до сих пор повреждение определённой части возделываемой продукции в семечковых плодовых садах яблонной плодовой жоркой (*Carpocapsa pomonella* L.) требует совершенствования системы борьбы против этого вредителя. В агробиоценозе плодовых садов установлено более 30 специализированных и полифагных энтомофагов яблонной плодовой жорки, и только некоторые из них применяются на практике. В виду этого, важное научно-практическое значение имеет изучение биоэкологических особенностей яблонной плодовой жорки, её распространения в агробиоценозе плодовых садов, взаимоотношения энтомофаг-хозяин, оценка эффективности энтомофагов в управлении их численностью, а также совершенствование на этой основе интегрированной системы борьбы против яблонной плодовой жорки.

На сегодняшний день актуальными являются проблемы дальнейшего развития сельского хозяйства республики, обеспечения населения продовольственной продукцией и расширения экспортных возможностей. В частности, в Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики на 2017-2021 годы в первом пункте раздела 3.3 «Модернизация и интенсивное развитие сельского хозяйства» намечена актуальная задача «...дальнейшее укрепление продовольственной безопасности страны, расширение производства экологически чистой продукции...». Исходя из этих задач, необходима разработка научно обоснованных методов и средств при использовании экологически чистых методов в процессе выращивания сельскохозяйственной продукции в республике при защите их от вредителей и болезней и их широкое внедрение. В масштабе страны каждый год дополнительно организовывается 8-10% садов, среди которых семечковые плодовые сады составляют значительную часть.

Данное диссертационное исследование, в определенной степени, служит выполнению задач, предусмотренных Законом № 409 от 21 сентября 2016 года о внесении изменений и дополнений в Закон Республики Узбекистан

¹FAO. The state of food and agriculture climate change, agriculture and food security. Rome. 2016

«Об охране растительного мира и его использовании», Указе Президента Республики Узбекистан УП-5388 от 29 марта 2018 года «О дополнительных мерах по ускоренному развитию плодоводства и овощеводства в Республике Узбекистан», Законом № 484 от 9 июля 2018 года о внесении изменений и дополнений в Закон Республики Узбекистан «О карантине растений», а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и защита окружающей среды».

